

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 126 (6.963). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Кадрли дўстлар!  
Авваламбор, сиз, азизларни - дехон ва фермерлар, ширкат хўжаликлари аъзоларини, теримчи ва механизаторлар, мутахассис ва мутасаддиларни, ҳосил тақдирини ҳал бўладиган масъулиятли дамларда ўз ўрнини далада деб билган барча инсонларни эришган катта меҳнат ғалабагини - 3 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон барпо этиб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан санимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёрқин саҳифа бўлиши бу ажойиб ғалаба, яъни октябр ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва меzonлар мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шу муқаддас дийримизда яшаётган одамларнинг дунёқарашини, онгу тафаккури юксалиб, ҳаётимизда рўй бераётган беқийс ўзгаришларга ўзини бевосита дахлдор деб ҳис қилиш, бу - менинг юртим, бу - менинг Ватаним ва унинг ютуқлари - менинг ютуғим, деган фикр билан яшаш ҳисси, фуқаролик туйғуси кучайиб бораётганини бугун кўлга киритаётган марраларимизнинг подвёври деб қабул қилишимиз даркор.

Бундай муваффақиятларни кўлга киритишда юртимизда янги ҳаёт, демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиёти таъминловчи жорий этиш борасида, жумладан, биз учун етакчи соҳа бўлиши қишлоқ хўжалигида, пахтачиликда амалга оширилатган, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган туб ислоҳот ва янгиликлар хал қилувчи аҳамият касб этмоқда, десак, айтиш ҳақиқат бўлади.

Одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкага эгаллик ҳиссиёти кучайиб бораётгани, захматкаш дехон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, қишлоқда асосий куч бўлиши фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, шунинг ҳисобидан етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи айнан фермер хўжалиқлари томонидан тайёрлангани бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, мавжуд имкониятлар, авваламбор, ер

ва сувдан, моддий ресурслар, техника воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, мўл ҳосил гарови бўлган ирригация ва мелiorация масалалари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ишлари тўғри йўлга қўйилгани ҳам бугунги катта ютуқни кўлга киритишда мустаҳкам замин бўлганини айтиш ўринли, деб биламан.

Айни вақтда соҳанинг истиқболини ўйлаб, олимлар ва мутахассисларимиз томонидан замонавий илм-фан ютуқларини пахтачиликка татбиқ қилиш, серхосил ва эртлишар навлар яратиш, зараркундаларга қарши биологик усуллар билан курашиш, гўзага ишлов бериш, ўз вақтида сифатли дефолиация ўтказишдаги ибратли янгилик ва тажрибалар, умуман, пахтачиликда юксак агротехника талаб ва усуллари жорий этиш эътиборга моликдир.

Албатта, бундай юксак марраларни эгаллаш учун аввало дала меҳнаткашларига тегишли шарт-шароит яратиш бериш, уларнинг даромади, ҳаёт даражаси, турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш, мухтастар айтиганда, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун қатъият билан доимий иш олиб бориш зарурлигини барчамиз яхши англаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида нафақат ишлаб чиқариш муносабатлари, балки қишлоқ хўжалигининг ўзи ҳам тубдан ўзгариб бораётгани, кўп йиллардан бери ечилмаган долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўлида салмоқли натижалар кўлга киритилаётганини мамнуният билан эътироф этсак, арзийди.

Кейинги йилларда юртимизда, энг аввало қишлоқ жойларда кенг қўлама бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилатгани, жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси мамлакатимиз бўйича 83 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси 81 фоизга ўсгани, қатор вилоятларда эса бу кўрсаткичлар 90-95 фоизга етгани, барпо этилаётган янги уйлар, маданий-маиший иншоотлар, боғ-роғлар, замонавий лицей ва коллежлар қишлоқларимиз киёфасини тубдан

ўзгартириб юборгани бугун барчамизни қувонтиради.

Айниқса, умумтаълим мактабларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастуриимизга асосан биргина шу йилнинг ўзида 105 миллиард сўм маблаг сарфланиб, 53 та янги мактаб бунёд этилиб ишга туширилгани, 1044 та мактаб эса капитал ва жорий таъмирдан чиқарилганини шу йўлдаги дастлабки, аммо гоят муҳим қадам сифатида баҳолашимиз лозим.

Шу борада сўнги пайтда мамлакатимизда янги-янги шифо масканлари қаторида кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилаётгани, бу эзгу мақсад учун жорий йилнинг ўзида давлат бюджетидан 5,5 миллиард сўм маблаг сарфлангани қишлоқ аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, уларнинг ҳаёти ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, мана шундай ютуқларимиз кўпайиб, иқтисодиётимиз бақувват бўлиб бorganи сари халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш учун имкониятларимиз ҳам кенгайиб бораверади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, бугунги улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, бошқа экинларга нисбатан энг қийин ва кўп меҳнат талаб қиладиган, ўта мураккаб пахтачилик соҳасининг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган уста пахтакорларимиз, фидойи бободехқонларимизга ҳурмат-эҳтиромим, қалб меҳримни изҳор этиб, чин дилдан таъзим қилишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан.

Мана шу муборак рамазон кунларида бутун Ўзбекистон аҳолини эришган юксак марра билан яна бир бор табриклар эканман, эл-юртимизга ўз марҳаматини кўрсатиб, йўлимизни очиб бераётгани учун Оллоҳ таолога шўкроналар айтишимиз, биздан доимо муруватини дариг тутмаслигини сўрасимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Азиз пахтакорлар, барчангизга сihat-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

Ҳақиқати омадингизни берсин, халол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлмаг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Сиз суратда кўриб турган аёл - Дилбаран Турғунова Чортоқ туманидаги илгор теримчилардан бири. У кунга 200 килограмдан ошириб пахта териб, йигим-терим мавсумида бошқаларга ўрнак бўлди.

Мавсум давомида бир ўзим 8 тонна "оқ олтин" териб топширдим. Пулиниям меҳнатга яраша дўндириб олдим-да, дейди у жилмайганча.

СУРАТДА: Д. Турғунова  
Пўлатжон АКБАРОВ олган сурат.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, бугунги улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, бошқа экинларга нисбатан энг қийин ва кўп меҳнат талаб қиладиган, ўта мураккаб пахтачилик соҳасининг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган уста пахтакорларимиз, фидойи бободехқонларимизга ҳурмат-эҳтиромим, қалб меҳримни изҳор этиб, чин дилдан таъзим қилишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан.

Ислом КАРИМОВ

### ЭҲТИРОМ

## Қувончимиз чексиз

Бугун халқимиз давлатта пахта сотиш бўйича йиллик шартнома муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги хабардан чексиз қувончда. Негаки, бу ютуқда ҳаммамизнинг муносиб ҳиссамиз бор.

Яқинда Президентимиз Қорақалпоғистонга ташриф буюриб, пахтакорлар билан учрашди. Қийин экологик шароитда пахтадан мўл ҳосил етиштириш қаҳрамонлик эканлигини таъкидладилар. Бу биз учун юксак баҳодир ва бундан катта масъулият сезамиз.

Илоийм кейинги йилларда ҳам хирмонларимиз тўлиб-тошаверсин, тинчлик, бахтиёрлик ҳеч қачон халқимизни тарк этмасин!

Ағитай АДИЛОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Тахтакўпри туманидаги  
"Тахтакўпри" ширкат  
хўжалиги раиси.

## Ҳорманг энди...

Республикамиз пахтакорларининг улкан меҳнат зафарини биз - селекционерларни бениҳоя ҳурсанд қилди.

Эришилган муваффақиятда Бухоро шароитида етиштирилган ва вилоятнинг қарийб 340 минг гектар майдонига экилган "Бухоро-6" ва "Бухоро-8" навларининг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Шу ўринда "Бухоро-8" ҳақида бир неча оғиз сўз. Бу нав ноанъанавий усулда яратилди. У "Бухоро-6"га бир паллаликларнинг фотосинтез ирсиятини ўтказиш йўли билан дунё юзини кўрди. Бутасининг баргларини даражаси кам, кўсаги 8-11 грамм атрофида, чигити янада йиритқоқ, толаси IV ва қисман III тип таллабларга мос келади. Етилган кўсақлари тез фурсатда очилади. У деҳқончилик маданиятига талабчанинг билан "Бухоро-6" навидан фарқ қилади. "Бухоро-8" республика бўйича 53 минг, жумладан Бухоро вилоятида 34 минг гектар ерга экилди. Баҳосини деҳқонлар беришади, албатта.

Ҳорманг энди азиз пахтакор ва хашарчилар! Дастуронингиздан кўт-баракат аримасин.

Аухат БАТТАЛОВ,  
Беруний номидаги  
давлат мукофоти  
соҳиби, селекционер  
олим.

## Ёлқоғошимиз

Қирқ йилдан бери шифокорлик қиламан. Қарийб ҳар кун бир қўлимда жарроҳлик тиги бўлса, бир қўлимда деҳқоннинг оппоқ момиқ пахтасини. Қолаверса, айни терим қўзиган пайтларда пахтакорга елкадошлигу, кўмақдошлигини эртади. Деҳқоннинг ёнида бўламиз.

Бугун Ўзбекистон кенг майдонлари, ҳосил ҳазиналари пахтага - окликка, азгуликка, ризку-насибга тўлиб турибди. Республиканинг пахтакорларини чин дилдан муборакбод этаман, қадок кўллари дард кўрмасин. Доимо кўнглилари улар уйган хирмонлардай юксалиб юрсин.

Ҳамид АМИНОВ,  
шифокор,  
Сурхондарё вилояти.

## Манфаатли ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўша мажлисида "Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур", деб таъкидлаган эдилар.

Мана шу устувор вазифадан келиб чиқиб, республика банк тизими ходимлари корхоналарини манфаатли ҳамкорликнинг молиявий жи- ланиши учун барча чора-тадбирларни кўриб бормоқда.

Ҳозирги кунда тизимимиз олдида турган асосий вазифа - бу банк хизмати кўрсатишини бевосита фермерларга яқинлаштириш, уларнинг қимматли вақтларини тежаш орқали қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашишдан иборат. Шу мақсадда ҳар бир туманда, ҳар бир аҳоли маҳаллида ҳукумат қарорларига асосан ташкил этилган фермер хўжалиқларига замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун тижорат банклари томонидан қарийб 681 та, жорий йилнинг ўзида қўшимча тарзда 260 та мини-банк ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

## НАМАНГАН: Ҳамжиҳатлик самараси

Иккинчи кундирки, Наманганда калта тўй. Бу шодиёғани вилоят аҳли ўн йилдан бунён интиқиб кутганди. "Юк кўтарган юзага чиқади" деганларни ҳақ гап экан. Юрагиди орсуси, елкасида юки билан эзгулик манзиллига йўл олган деҳқоннинг юзи ёруғ энди.

Аслида осон бўлгани йўқ, ҳар йилгидан оғир бўлса бўлдики, енгил бўлмади. Табиий офатлар 12 минг гектар майдондаги гўзани ер билан

битта қилиб кетганди. Биргина мисол, май-июн ойларида Учқўрғон туманида 17 марта жала ва дўл бўлиб ўтди. Қиш-

### МАВСУМ

лоқ кишиларнинг матонати, фан ютуқлари, илгор тажриба, шахарликлар кўмағи ва соҳага қилинган тўғри раҳбарлик билангина офат оқибатларини бартараф этиш мумкин бўлди.

Янги технологияларни

(Давоми 2-бетда)

## ПАХТАЧИЛИК: Ёрқин саҳифа, ажойиб ғалаба

Республикамиз пахтакорларининг бугунги кайфияти ўзгача. Уларнинг юз-кўзларидан машаққатли меҳнатнинг чарчовлари айна дамда чиқиб кетгандек. Чунки кейинги йиллар ичида илк бор бу йил мамлакатимиз далаларидан 3 миллион 600 минг тонна сифатли пахта ҳам ашёси йиғиштириб олинди. Давлатта пахта сотиш йиллик шартномавий режа уддаланди. Пахтачилигимизда янги саҳифа очилди. Тарихий ғалабага эришилди. Аксарият туман, вилоят миришкорлари ўта қисқа муддатда ҳосилни йиғиб-териб олиб, октябр ойининг бошидан оқималаридаги вазифани адо этишди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу ютуқларнинг асосий омили нимада?

Тажрибали деҳқонлар, мутахассисларнинг эътирофи этишларича, бу юксак доводдан ошиб ўз-ўзидан бўлмади. Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари, давлатимиз томонидан соҳага берилаётган доимий эътибор ва иқтисодий имтиёзлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илгор технологияларни жорий этиш каби омиллар муваффақиятлар гарови бўлди. Қолаверса, агротехник тадбирлар оби-тобида қилиниб, мўл ҳосил тамал тоши йил бошиданок қўйилганди. Яъни, дастлаб пахта майдонлари барвақт кузги шудгорланиб, мақбул муддатларда шўри ювилди, яқоб суви берилди. Январ-феврал ойларида пушта олиниб, белгиланган вақтда тўлиқ қўчалар ундириб олишга эришилди. Мухими, бу йил пахта етиштирувчи хўжалиқлар сифатли уруғлик билан таъ-

си қалом омилкорлик билан қилинган тадбирлар туфайли уруғ деҳқоннинг пайқали бошига етказиб берилди. Гап уни сифатли қадаб олишу парваришда қолганди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бир гектар гўза парвариши учун ўртача 435 килограмм (220 килограмм азотли, 150 килограмм фосфорли, 65 килограмм калийли) минерал ўғит керак бўлар экан. Бундан энди чигит экилган 1 миллион 400 минг гектардан ортиқ майдонга кўпайтириг. Унга яна техника кучи, ёнилғи-мойлаш материалларини қўшиг. Ҳазилкам нарса эмас-а?

Кувонарлиси, бу борада таъминотда узилиш бўлмади. Бари муҳайё этилди. Қизиги тажрибали деҳқонлар булар билан қаноатланиб қолишмади. Ерни янада тўйинтириш учун табиий ўғитлардан ҳам керагича фойдаланишди. Пайкал бошларидан хандак қовланиб, нури гўза қатор ораларига шербат қилиб оқизилди. Халқимиз "Ерни боқсанг, у сени боқад"и деб бежиз айтишмаган экан. Мана, унинг рўёбига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар туфайли ширкат ва фермер хўжалиқларнинг моддий-

ПАХТАЧИЛИК:

Ўрқин саҳифа, ажойиб ғалаба

(Боши 1-бетда) "Ўзпахтасаноат" уюмаси-дан олинган маълумотга қараганда, йиғиб-териб олинган пахта хом ашёси уюшма таркибидagi 128 та пахтани қайта ишловчи корхоналарга

йилги даромадлари олдинги йилларга нисбатан анчайин кўп бўлади. Чунки пахтанинг сифати чакки эмас. Ялпи ҳосилнинг 86 фоизи биринчи навга, 11 фоизи иккинчи навга мансуб. Кези келганда



узилиш кучи ҳисобланар эди. Бундай ноҳосил ўлчов мезонига истиқлол йилларида барҳам берилди. Яъни, жаҳон талабларидан келиб чиққан ҳолда навларнинг янги андозаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, асосий мезон қилиб то-ланинг ранги ва ташқи кўри-ниши белгилаб олинди. Ку-вонарли жиҳати шундаки, бу халқаро жаҳон бозоридан тан олинди. Энг асосийси деҳқон-ларнинг даромади шунга мос равишда ошиб бораётди. Амалдаги йил мисолида айта қолайлик. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, пахта-дан олинмайдиган даромад 1 триллион сўмдан ортиқки, ку-тилаётган фойда эса 200 мил-лиард сўмни ташкил этмоқда. Рентабеллик даражаси 22 фоиз. Фойданинг салмоқли қисми фермерларга тегадиган бўлди. Негаки, уюлган хир-моннинг асосий - 3 дан 2 қис-ми мулкдорларнинг улушига тўғри келапти-да!

Фермерлик қишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотини етиштириб бېрувчи асосий куч эканлиги бугун амалда исботини топа-тир. Буни биригина пахтачи-лик мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, яна бир бор амин



128.9 минг тонна пахта хом ашёси сотган бўлса, 2000 йил-да пахта етиштирувчи мулк-дорлар сони 31705 нафарни ташкил этиб, улар томонидан 548.9 тонна юқори сифатли "оқ олтин" тайёрланди. Жорий йил пахта ҳосили учун эса 74012 та фермер ҳўжалиги 2428.6 минг тонна хом ашё етиштириб бериш бўйича кон-трактация шартномаларини тузгандилар.

Ҳисоб-китоб қилинганда, ҳозирга келиб, фермерлар етиштирган "оқ олтин" сал-моғи 1997 йилга нисбатан 20 баробарга ошган. Бу ютуқлар-нинг бош омили манфаатдор-ликда, ерлар мўносиб эгасини топганилигига бориб тақала-тир. Яъни Юртбошимиз ташаб-буси билан иқтисодий зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз ширкат ҳўжаликларини тарк-тиб, улар негизинда фермер ҳўжаликларини ташкил этиш борасидаги босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини бераёт-тир. Фикримизни мана бу мисол-лар ҳам тасдиқлайди. Қора-қалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилояти ялпи ҳосилнинг 85 фоизи, Бу-хоро вилоятининг эса 80 фоиз-

Даладан дунёга йўл...



Суратлар муаллифи Б.АКРАМОВ.



қарашли 475 тайёрлов мас-каларида қабул қилинди. Улар 12995 гек-тар гўза майдонидан ўртача 33,6 центнер-дан ҳосил олишиб, ялпи ҳосилни 43791 тоннадан оширдилар.

айтмоқ керак, собиқ иттифок даврида пахта хом ашёси ва толаннинг навини аниқлашда асосий кўрсаткич солиштирма

бўламиз. Масалан, 1997 йили жами 18017 фермер ҳўжали-ги 60,8 минг гектар майдонда пахта етиштириб, давлатга

дан зиёди айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Ҳосил-дорлик деганлари йил сайин ортиб бораётди. Масалан, Ни-

Марра эгалланди

Денов тумани пахтакорлари ҳам дастлабки доводдан ошдилар. Улар 12995 гектар гўза майдонидан ўртача 33,6 центнердан ҳосил олишиб, ялпи ҳосилни 43791 тоннадан оширдилар. Эришилган ғалабага Охунбобоев номи, "Ғалаба", С.Раҳимов номи, "Ҳазарбоғ" ширкат ҳўжаликлари мўносиб ҳисса қўшишди. Шу кунгача тумандаги 150 та фермер, 696 та оилавий пудратчи йиллик шартномани адо этди.

Шўрчи тумани деҳқонлари ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. 8338 гектар ерда пахта етиштирган шўрчиликлар давлатга 25404 тонна сифатли хомашё топширишди. Ҳар гектар ердан 30,5 центнердан ҳосил олинди. Туман пахта дала-ларида терим ҳамон юқори суръатларда олиб борилмоқда.

М.ОЛЛОМУРОДОВ - Гулистон туманида 11200 гектар майдонда пахта экилган, - дейди туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Одил Саидов. -Тумандаги 626 та фермер режадаги 26670 тонна юқори навли

ҳосилни етиштириб берди. Ҳосилнинг 94 фоизи юқори навларга сотилди. Ҳосилдорлик режадаги 24 центнер ўрнига 25,5 центнерни ташкил этди. "Чорводор", "Зиёкор", "Орол", "Мирзамиддин Ота", "Барлос". Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, туман пахтачилигининг ўзидан 7 миллиард 477 сўм даромад олиш кўтилмоқда соф фойда 2 миллиард 300 миллион сўм бўлиши кўтилмоқда. Рентабеллик даражаси 26,7 фоизгача кўтарилди.

Ш.ХОЛМУРОДОВ Ёзёвон тумани 1998 йилда ёппасига фермер ҳўжаликларига айлан-тирилган эди. Ер эгасини топан-лиги аста-секин ўз самарасини бера бошлади. -Бу йилги пахта йиғим-теримида ҳар куни ўнлаб фермерлар зафарномага имзо чеккан кунлар бўлди, - дейди туман ҳўқими Бақирхон Шалимов. -Об-ҳаво ҳам деҳқон-фермерларнинг пешонасидан силди. Вилоятда биринчи бўлиб ёзёвонлик фермерлар 19 минг 227 тоннадан ортиқ бебаҳо дурдона армуғон этишди. Ҳосилнинг қарий ўз фоизи бирин-чи навга қабул қилинди. Туман пахтакорлари яна 5773 тонна "оқ олтин" жамғариб, ялпи хирмон салмоғини 25000 тоннага етказиш-моқчи.

Хоразм деҳқонларининг уй-ган пахта хирмониди Янгибозор тумани пахтакорларининг мўносиб улуши бор. Улар на-фақат вилоятда, балки республи-када биринчилик қаторида шартномавий режаларини ошириб удаладилар. Эришилган ютуқларда фермер ва пудратчиларга яратилган шарт-шароитлар асосий омиллардан бири бўлди. СУРАТДА: теримчи Дилбар Отамуродова, пудратчи Умид Холбоев ва иш юритувчи Шерали Ражабов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Манфаатли ҳамкорлик

(Боши 1-бетда) Маълумки, Вазирлар Маҳма-сининг 2002-2003 йиллар-даги тегишли қарорларига асосан республикамизнинг 8 та вилоятда пахта етиштиру-вчи фермер ҳўжаликларини тўғридан-тўғри кредитлаш ти-зимига ўтилган эди.

Мазкур таърибга ўз самара-сини берган, қишлоқ ҳўжали-ги корхоналарини кредитлаш тизимини жорий йилдан бош-лаб, республикамизнинг бар-ча ҳудудларидаги деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳамда ширкат ҳўжаликлари ҳам тад-биқ этиш имконини берди. Мазкур имтиёзли кредит-лаш механизми қишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотларини етишти-ришда ҳосилдорлик ва рента-беллик даражаси ошишига, маблағларни эркин тасарруф қилиш, ҳисоб-рақамларда ор-тиқча маблағларнинг қолиб ке-тиш эҳтимолини камайтириш-га, таъминоти ташкилотлар-нинг шартнома мажбуриятла-рини тўлиқ ва ўз вақтида ба-жарилишига, дебиторлик ва кредитор қарздорликларнинг пайдо бўлишининг олдини олишга, фермер ҳўжаликлари-га кўрсатилаётган хизматлар-ни кулайроқ шартларда олиш ва моддий-техник ресурслар-дан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга олиб кел-ганилини кўрсатди.

Хусусан, тижорат банклари томонидан 2004 йилда фер-мер ҳўжаликларига 68,8 мил-лиард сўмлик имтиёзли кре-дитлар ажратилган бўлса, қи-шлоқ ҳўжалик корхоналарининг

2005 йил давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта етиштириш харажатларини молиялаштиришга, йиллик 3 фоиз ставкада, 393,1 милли-ард сўмлик имтиёзли кредит-лар берилди.

Янгича кредитлаш амалиё-тидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ ҳўжалик корхоналари-нинг 2006 йил ҳосилини кре-дитлаш жараёнини енгиллаш-тириш мақсадида "Қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг дав-лат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғриси-да"ги Низом шартлари қайта кўрилиб, тегишли қўшимча ва ўзгартришлар киритилди.

Янги низомга кўра, кредит олиш учун аризага илова эти-лалган ҳужжатлар янада сод-далаштирилди. Эндиликда кре-дит таъминоти сифатида тай-ёрлов корхоналарининг ка-филлиги бемалол қабул қили-надиган бўлди, кредит ариза-сини банклар томонидан кўриб чиқиш мuddати эса амалдаги 5 кун ўрнига 3 кун этиб белгиланди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалик-да "Тижорат банклари томо-нидан фермер ҳўжаликларига бўлажақ ҳосилга кредитлар ажратиш тўғрисида"ги ва "Ти-жорат банклари томонидан фермер ҳўжаликларига ерга ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш асосида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низом-

лар ишлаб чиқилди ҳамда Ад-лия вазирлигида давлат рўй-ҳатидан ўтказилди. Мазкур Низомларнинг амалга киритилиши натижа-сида фермер ҳўжаликлари ғал-ла ва пахтани етиштириш ха-ражатлари билан бирга улар-ни йиғиб олиш ҳамда қўшим-ча минерал ўғит ёки ёқилги-мойлаш маҳсулотларини, қи-шлоқ ҳўжалиги техникасини сотиб олишни ҳам кредит ҳисобига амалга оширадиган бўлдилар.

Кўрилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз Пре-зидентининг "2005 йил ҳоси-ли пахта хом ашёсини ўз вақ-тида йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаб-ларининг сўзсиз бажарилишини, яъни, йиғим-теримида, пахта хом ашёсини транспортда та-шиш ва тайёрлашда банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўла-нишини таъминлашда ижобий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бун-дан ташқари, тижорат банка-ри филиаллари томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, пахта терими пулларини ҳар беш кунда фермер ҳўжаликлар-ининг далагарига етказиб бериш ва тўлаш, аҳоли сий-рак яшайдиган ва чегара худуд-ларида пахта терими ишти-рокчиларини нақд пул билан қўнлик таъминлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Алижон Йўлдошев, Марказий банкнинг департаменти директори.

ДИЛ ИЗХОРИ

Миннатдорман

Мустиқиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан республикамиздаги бир гуруҳ меҳнат илгорлари қатори "Шухрат" медали билан тақдирланганим нафақат ўзимни, бутун туманимиз деҳқонларини қувонтирди. Албатта, меҳнати қадр топаётганлиги деҳқон учун катта бахт.

Фермер хўжалигимиз юртимиздаги қалдирғоч хўжалиқлардан бўлиб, у ташкил топган пайтдан буён шартномаларни доимо ортиги билан бажариб келмоқда. Утган йили режани 231 фоиздан ошириб бажарган бўлсак, бу йил уни дастлабки теримдаёқ бажариб бўлдик.

Ортимиз деҳқонлари муваффақиятидан бошимиз осмонда. Чунки унда фермер хўжалигимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Деҳқонларимизга доимо ғалаба ёр бўлаверсин!

Жигугул ТУРАКАЕВА, Қораўзақ туманидаги "Бекимбет ота" фермер хўжалиги соҳибаси.

Ҳашар — элга ярашар

Бу йил Сирдарё вилояти далаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Қувончлими, бугун мен Сирдарёликман, шу юртининг фарзандиман, деган, белида қуввати, қалбида гурури бор ёшу қари, турли соҳа вакиллари пахтазорларда пахта териб, хирмонинг тикланишига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшапти.

Шу жумладан, биз — ўқитувчилар ҳам ана шу умумхалқ ҳашарига қўшилиб, йиғим-теримга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Бу йил шуниси яхши бўлдики, терим пули ҳар кунни бериб борилади. Ўзим кунига 90-100 килограмдан пахта териб, мавсумда 3 тоннадан кўпроқ пахта теришга улғирдим. Деҳқонларимизнинг пешона тери, қалб қури билан етиштирилган ҳосилини йиғиштирилган олиш ҳаммамизнинг шарафли бурчимиздир. Пахта бу — юртимиз бойлиги, иқтисодимиз қуввати. Хазина бақувват бўлса, таълим, тиббиёт соҳаларини ривожлантириш, пенсия, нафақаларни ошириш имконияти кўпаяди. Демак, пахта ҳаммамизники. Шундай экан уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш барчамиз учун фойдалидир.

Абдулло СУЛТОНОВ, Янгиер шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси.

(Боши 1-бетда) Вилоятда бу йил сўз ва иш бирлигига амал қилинди. Пахтачиликнинг моддий-техника базисини мустаҳкамлаш, нефть маҳсулотлари, ўғит, иш ҳақи тўғрисида авваллари ҳам кўб гапириларди, лекин амалий ишга келганда... Мазали, кейинги беш йилда мингдан зиёд техника олин-

туманида тагин ҳам юқори — 72 фоизга етди. Полада, Мингбулоқ ва Норин туманларида мелiorация соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, Норинда ерости сувлари шунчалар журужга келгандики, ҳатто туман марказидаги экин ва дарахлар қуриб бошладилар. Бу муаммо "Қишлоқ

га фермерликка ўтгани иккинчи тарафдан ғалабадор, 2005 йил Норинда галабалар йили сифатида тарихга кирди. Нега йиллардан бери пахтачилик бўйича қолқоқлик ботқоқига тушиб қолган туманда бу йил режа 90 фоиздан ошганда ҳам қулчиқ курсаткич 4 фоиздан юқори эди. "Шаҳар — қишлоққа" шио-

кат хўжалигига (Мингбулоқ тумани), "Нотўқимачи" қорхонаси Аъзамжон Шамсиддинов номли худудий фермерлар уюшмасига (Норин тумани), "Атлас" ХХ ИБрат номли ширкат хўжалигига (Турақўрган) йил бўйи яқиндан ёрдам берди. Пахта йиғим-теримиде ҳам бу ҳамкорлик терим суръатини тезлаштирган асосий

қолди. Бу йилги мавсумда 100-300 минг сўм пул олган юзлаб теримчиларнинг номларини келтириш мумкин. Наманган шартномада яхши самара берадиган навлар экилиши ҳам мўл ва эртанги ҳосил етиштиришда қўл келди. Буни астойдил ҳис этган вилоят пахтакорлари 2006 йил ҳосили учун 28,6 минг тонна уруғлик фондини яратиб қўйишди. "Уйчи", Абдували Мўминов номли (Уйчи тумани), "Олтин водий" (Турақўрган тумани), Алишер Навоий номли (Чортоқ тумани), "Хонобод", "Зафаробод" (Наманган тумани), "Тергачи" (Косонсой тумани) ширкат хўжаликлари яхши уруғлик тайёрлаш билан бирга катта миқдорда қўшимча даромад олдилар.

Вилоят бўйича пахтачиликнинг ўзидан 71,4 миллиард сўм даромад ва 9 миллиард сўмдан ортиқ фойда олиш кутилмоқда.

Терим машиналаридан фойдаланилгани жорий мавсумнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Учқўргонликлар терим роса қизган, аммо ишчи кучи етишмай қолган қулларда тўртта "Кейс" агрегати ишга солинган ва минг тоннадан зиёд ҳосил "пўлат этаклар"дан тўкилди. Шунинг учун режа бажариладиган кун ҳам суръат 5 фоиздан пасламади. Бугунгача учқўргонликлар уйган хирмон 40 минг тоннадан ошди.

Наманганликла қолган ҳосилни нобуд қилмай териб олиш билан бирга 2006 йил ҳосили учун ҳам тарадуд қўрилмоқда. Ғалла экиш жадал, ариқ-зоғурлар тартибга келтирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, зафарли мавсуми яна ҳам каттароқ ғалабаларга пайвандлайдиган маъсулятли кунлар бошланмоқда.

Рустамжон УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СУРАТДА: Наманган туманидаги "Файрат" ширкат хўжалиги теримчилари Н. Маммажонова ва С.Рахмонова.

НАМАНГАН:

Ҳамжиқатлик самараси

ган бўлса, сўнги бир йил ичида лизинг асосида 350 га яқин қишлоқ хўжалик техникаси келтирилди. Шуниси қувончлики, уларнинг 200 дан

хаёти" саҳифаларига олиб чиқилган. Йил бошидан буюн 30-40 эксковатор узлуксиз ишлатилиб, 500 километр га яқин коллектор ва зовурлар

ри йил бўйи оғиздан тушган йўқ. Вилоят марказида 400 мингдан ортиқ одам яшайди, юзлаб қорхона, ташкилотлар бор. Наманган ша-

омиллардан бўлди. Энг долзарб кунларда вилоят бўйича теримчилар 200 минг кишидан ортиб, уларнинг 23 минг нафари шаҳардан берган хашарчилар эди. Вилоят хирмонидан уларнинг 20 минг тоннадан ортиқ ҳиссалари бор. Бунга НамДУ талабалари 2 минг тоннадан ортиқ улуш қўшганларини, алоҳида айтишга арзийди.

—Йуль-август ойида етти марта пул, бир гал бўғдой олдик, — дейди Турақўрган туманидаги "Олтин водий" ширкат хўжалиги механизатори Муталим Мирабдуллаев. —Бунақаси ҳеч бўлмаган.

Йуль ойидан ҳосил учун курашда зарбдор 50 кунлик эълон қилинган, банклар фаолияти янада жонланди. Сувчи ва механизатор август ойида хар беш кунда иш ҳақи олди. Энг муҳими шунки, бу йиғим-терим бошланган, тагин ҳам изчил давом этди. Бугунгача "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси теримчи ва хашарчиларга берган иш ҳақи миқдори 11 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли ширкат хўжалиги пудратчиси Мохираҳон Юсупова оила аъзолари билан шундай гайрат билан теридики, 35 кунлик иш ҳақи 500 минг сўмга бориб



ортигини фермерлар тасаруф қилмоқдалар.

Бўғун вилоятда фермерлар катта куч, 261 минг тонналик Наманган пахтасининг 60 фоизини қишлоқдаги мулкдорлар бунёд эттиди. Бу нисбат Поп

тозаланди, юздан зиёд дренаж-қудуқлар таъмирланди. Натижада ерости сувлари сатиҳ ача паслади. Мелиорация соҳасидаги бу ишлар бир тарафдан, ҳамма ширкатлар тугатилиб, туман ёппаси-

ридаги ана шу жамоаларнинг деярли ҳар бири биттадан ширкат ёки йирик фермер хўжалигига ҳосил яратиш ишига ҳомийлик қилди. Мазали, "Наманганэлектротармоқлари" Навоий номли шир-

Жиззах вилояти меҳнаткашлари мамлакатимиз пахта хирмонида 252 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта билан муносиб улуш қўшдилар.

Бу ютқуда республикамизда биринчилардан бўлиб ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилганлиги муҳим омил бўлди десак, адашмаймиз. Чунки бугунги кунда етиштирилаётган маҳсулотнинг 99,8 фоизи фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келмоқда. Вилоятдаги пахта етиштиришчи 5667 та фермер хўжалиklarнинг асосий қисми шартномавий режани уддалаб, қўшимча пахта топширмоқда. Жумладан, "Олтин бошоқ", "Асал момо", "Навоий", "Отабек-1", "Жума ота", "Эухра



УДУМ

Нав аъло, сифат юқори

кўза", "Абдибойитбек", "Наврўз", "Ғайрак-АК", "Набижон" каби фермер хўжаликлари йиллик шартномавий режани 200 фоиз ва ундан ошроқ қилиб бажариб, бошқа фермерларга ўрнак бўлмоқда.

Вилоят пахта хирмонининг 29600 тоннаси йиғим-теримга жалб этилган 190 та "Катон" русумли терим машиналарида йиғиб олинди.

—Хомашенин қарийб 88 фоизи биринчи навага сотилди, — дейди "Узпахтасаноат" уюшмасининг вилоят худудий бирлашмаси бош иқтисодчиси Нажмиддин Эрбўтаев. —Қўрилган даромад ҳам шунга яраша 75, миллиард сўм бўлади. Бу 2004 йилга нисбатан 20 миллиард сўм кўп дегани. Шу кунгача янги ҳосилдан 20, минг тоннадан ошроқ пахта хомашеси қайта ишланиб, хорижий мамлакатларга сотиш учун тахт қилиб қўйилди.

Толибжон Эргашев, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

САМАРҚАНД: Довон ошганлар сафидамиз

Самарқанд дейилдими, кўз олди-мизда аждодларимиз яратиб кетган бир-биридан мухташам асори-атиқалар гавдаланади. Бугун ўша юксак миноралар каби вилоятнинг "оқ олтин" хирмони оқсак бўйи чўзили, 248 минг тоннадан ортиқ сифатли пахта хом ашёси йиғиштирили олинди. Бу муваффақиятда воҳа меҳнаткашлари ҳар бирининг муносиб ҳиссаси бўлди.

ПАХР

Айниқса, тумандаги А.Бердикулов номли ширкат хўжалиги аъзолари бу навининг афзаллигини бугун жўшиб гапиряпти. Чунки хўжалиқдаги 652 гектар пахтазордан 1500 тонналик хирмон биринчи теримдан оқ ҳозирланди. Хўжалик етакчиси Муҳитхон Сайдуловнинг айтишича, бу йил биргина пахтачиликнинг ўзидан 40 миллион сўм атропофида соф фойда қутилмоқда.



210 гектар ерни обод қилиб, эл озгига тушди. Мулкдорнинг "юки" бу йил яна ҳам залворли бўлди. Негаки, узок йиллар қолқоқлик ботқоқига қолган "Чандиробод"дан яна 150 гектар ер берилди. Деҳқончиликда суяғи қотган Элибой ака билдирилган ишондан руҳланиб, астойдил меҳнат қилди. Унинг ҳосиласи ўлароқ далаларда мўл ҳосил яратилди. Шартномавий режа — 445 тонналик хирмон бир ҳафтага қолмай, вилоятда биринчи бўлиб уддаланди. Ҳосил тўлиқ биринчи навага сотилди.

Зиммаларидаги вазифани вилоятда биринчи бўлиб адо этган Пайрақ тумани пахтакорлари бугунгача 35000 тоннадан ортиқ сифатли хом ашёни давлатга сотдилар. Бунга айниқса, тумандаги "Пахтакор", "Абдуота", "Датена", "Дунетена", "Бобокалон", "Сокина", "Қултой бобо", "Истиқлол", "А.Бойзоқов", "Ширинбой ўғли Олим", "Бегама", "Бошбеги хўжа", "Ғайрат-Парвоз", "Лочин" каби фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

—Ютқулларнинг асл сабаби мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги, асосий эътибор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган ўғит, нефть маҳсулотлари, сув, техника ва бошқа зарур ашёлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилганлиги, меҳнаткаш халқимиз бундай гамхўрликка жавобан сидқиқиди меҳнат қилганлигида, — дейди туман хохими Шохимардон Ғуломов.

Иштихонликлар бу йил асосий эътиборни уруғчиликка қаратдилар. Туманининг ақсарият майдонларида "Омад" нави экилди. Бошқа навлар ҳам иқлим ва ер шартномага мослиги тўғрйли юқори ҳосил олинди. "Омад"ники янада баракали бўлди.

ЖАРАЁН

2005 йил республикамиз пахтачилигида туб бурилиш даври сифатида тарихда қолади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор муносабатлари шароитида ривожлантириш Президентимиз ва ҳукуматимиз диққат марказида турганлигининг шарофати билан узок йиллик танлафуқсдан сўнг ўч миллион олти юз минг тонналик хирмон ҳар қачонгидан кўра барвақт яратилди.

Ривожланишга замин

Бу ғалабадан барчамизнинг бошимиз кўкка етди. Ғалабага вилоятимиз, туманимиз ва хўжалигимиз деҳқонлари ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. 552 гектар ерда ғузанин "Оққўр"номли-2" навини парварош қилган ижарачиларимиз ва оилавий пудратчиларимиз меҳнатлари билан пахтадан мўл ҳосил яратилди. Ҳозиргача давлат оморларига режадаги 1758 тонна ўрнига 2260 тоннадан зиёд пахта етказиб берилди, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 45,5 центнерданга тўғри келмоқда. Натижада биргина пахтачиликдан 437 миллион сўм ўрнига 694 миллион сўм даромад олиниши қутилмоқда.

Нефть маҳсулотлари, минерал ўғит таъминоти яхлит механизмга айланди. Деҳқон таннархни арзонлаштириш йўлини қидиряпти ва бунга эришяпти ҳам. Чунки бу йил хўжалигимизда ғўза зараркунданларига қарши кураш ишлари фақат фойдали хашаротлар орқали олиб борилди. Бунинг натижасида қўлаб маблағ тежалди. Абдулмулал Шерғозиев етакчилик қилаётган оилавий пудратда ҳосилдорлик 50 центнердан ортиди. Сифат даражаси юқори бўлди. Натижада бу пудратда ҳар гектар ердан олинган даромад 1 миллион 425 минг сўмга етди. Бу кўзда тутилганига нисбатан тенгма-тенг қўлди. Шунингдек, Тоҳиржон Халилов, Қодиржон Ғофуров, Садриддин Кенжаев каби пудратчилар ҳам ҳосилдорликда, сифатда ва даромадда яхши натижаларга эришдилар. Хўжалигимизда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ва пиллачилик ҳам даромадли соҳага айланган. Ана шу тармоқлардан олинган даромадлар жалланса 1 миллиард сўмдан ортиқмоқда. Унинг катта қисми фойда бўлиб, қишлоқ ободончилигига йўналтирилмоқда. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар бундан буюн ҳам янада тақомилга етади.

Урмонжон БОЗОРБЕКОВ, Шахрихон туманидаги Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Сураатда: пахтакорларга хашарга овланган Самарқанд Давлат Университети талабаси, илгор теримчи Насиба Бобоқуллова.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сураат.

Янгилик шарофати

Маълумки, Қорақалпоғистон об-ҳаво ва иқлим шароити гоят ғойр хууд. Шу болам деҳқончилик мураккаб ер шароитларида амалга оширилади. Демак, мамлакатимизнинг бошқа худудларида нисбатан кўп меҳнат талаб қилади. Бу айниқса, ерлар шўрланган Нукус туманида кўзага яқоқ ташланади. Ана шундай табиий қийинчиликларга қарамай тумандаги "Қорақалпоғистон" агро-саноат бирлашмасига қарашли иссиқхона ва тажриба хўжалиги далаларида мамлакатимиздаги энг юқори ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

Яқинда Юртбошимиз ушбу хўжалиқда бўлганларида мўл ҳосил тўпланган пахта далаларини кўздан кечирдилар, жамоа аъзоларининг меҳнатларига юксак баҳо бердилар.

Қорақалпоғистон номи билан аталувчи иссиқхона Нукус шаҳрига яқин ерда жойлашган. Мана 9 йилдирки, етти гектар иссиқхонада Исроиҳ технологияси асосида экинлар томчилатиб суғориляпти. Яхши самарадорликка эришилмоқда. Биргина мисол: боднинг экиллари ҳар бир гектар ердан ўртача 170 тоннадан ҳосил олинмоқда. Помидор етиштириш қўрсаткичи эса оқик майдонга экилганга нисбатан 5-6 баравар кўп бўляпти.

Утган йилдан эътиборан томчилатиб суғориш оқик майдонга экилган ғўза майдонларида ҳам синиб қўрилди. Сапаримбет Сейитмухамедов раҳбарлик қилган тажриба участкасидаги ғўзалар томчилаб суғорилиши натижасида 62 центнердан ҳосил берди. Амалдаги йил оқик майдондаги томчилаб суғориладиган ғўза майдонлари 20 гектарга етказилди. Шундан 16 гектарига "Бухоро-8", тўрт гектарига "С-4727" нави чи-

ТАЖРИБА

ларига бир метрда етиб боришига эришилди. Бағона ўт-чўплар бўлмаганлиги сабабли ғўза қатор оралиғига қўшимча ишлов беришга зарурат қолмади. Яна бир гап. Оқидий усулда экилган ғўза парвароши учун одатда гектарига 361 литр ёнгилли сарфланса, бу ерда атиги 61 литрни ташкил қилди. Натижада ҳар тупда ўртача 18 та бўлак қўсқак олишга эришилди. Мутахассисларнинг август ойидаги ҳисоб-китобларига кўра ҳар гектардан ўртача 70 центнердан пахта ҳосили тўпланганлиги маълум бўлди. Бундай юқори қўрсаткичларни таъминлашда ижарачилардан Ойшўлпон Рейимова, Барно Камолова, Зинҳаридин Сатбаев, Фураҳ Батбаев, Раъно Абдукаримоваларнинг хизматлари бекёйс бўлди.

Бирлашмиш жамоа аъзоларининг қувончи ва хурсандчилиги чексиз, — дейди "Қорақалпоғистон" агро-саноат бирлашмаси бошлиғи Нуриддин Орифжўаев. — Юртбошимизнинг даламизга келиб, ишларимиз билан яқиндан та-

нишгани, ҳол-аҳвол сўрагани, янги технология сир-асрорлари билан обдон танишгани, энг муҳими, ишимизга юқори баҳо берганидан руҳланиб меҳнат қилмоқдамиз. Президентимиз ўша кунни тажриба далаларида бўлиб, томчилаб суғориш усулининг нафақат бизнинг бирлашмаимизда, балки бутун Оролбўйи шароити учун афзал, фойдала, самарали жиҳатларини мутахассислар ҳар томонлама ўрганиб, тегилли тавсиялар, хулосалар ишлаб чиқишлари юзасидан маслаҳат бердилар. Томчилатиб суғорилган 20 гектар пахта пайкаларининг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзида ҳосилдорлики гектар ҳисобига 60 центнерга етказдик. Ҳар гектар 2 миллион сўмдан даромад берди. 1 миллион 300 минг сўм соф фойда олинди. Рентабеллик 200 фоиздан ҳам ошиб кетди. Таҳлили давом қилдирадиган бўлсак, оқидий усулда етиштирилдиган 1 центнер пахтаини етиштириш баҳоси нормативи бўйича 18 минг 777 сўм қилиб белгиланган. Бизда эса бу қўрсаткич 9 минг сўмдан сал ошди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, Хидоят АХМЕДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.

